



2138 марта кўрилган

Савол:

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қилган барча ишларида эргашиш суннат бўладими?

Жавоб:

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча қилган ишлари суннат бўладими?

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг феъллари – амаллари бир неча турга бўлинади. Улардан шариатнинг кўрсатмасини баён қилиш учун бажарилганлари ҳам; ейиш, ухлаш каби шунчаки инсоний табиатдан келиб чиқиб қилинганлари ҳам; уловга миниб ҳаж қилиш, бомдоднинг суннатида кейин ётиб дам олиш каби шаръий ёки инсон табиатига хос амал эканлигида ихтилоф қилинганлари ҳам бор.

1. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариат кўрсатмасини баён қилиш учун бажарган амалларига мисоллар: у кишининг намозлари, рўза ва ҳажлари, зикрлари, мисвок ишлатишлари, таомдан олдин “Бисмиллаҳ” дейишлари, масжидга ўнг оёқ билан киришлари ва бошқалар. Бу каби амалларда асл қоида – Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиш лозимлиги. Аллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾
﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

“(Эй мўминлар) сизлар учун – Аллоҳ ва охират кунидан умидвор



Ислом Нури

бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбариди (иймон-эътиқоди ва хулқ атвориди) гўзал ўрнак бордир”. (“Аҳзоб” сураси, 21-оят).

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□
□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□

“Айтинг (эй Мухаммад): “Агар Аллоҳни яхши кўрсангиз, менга эргашишлар. Шунда Аллоҳ сизларни яхши кўради ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибон Зотдир”. (“Оли Имрон”, 31-оят).

□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□
□□□□□□□□□□

“Пайғамбар сизларга ган нарсани олинглар, у сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар”. (“Ҳашр” сураси, 7-оят).

2. Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ўзларидаги инсоний табиатдан келиб чиқиб бажарган ейиш, ичиш, ухлаш, юриш каби амаллар ва одатлар. Буларга эргашиш талаб қилинмайди.

3. Росулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг яна баъзи амаллари борки, улар шариат кўрсатмаси сифатида қилинганми, ёки инсоний табиат тақозоси биланми – бунда ихтилоф бор.

Шайх Мухаммад Амин ибн Мухаммад Мухтор Шинқитий роҳимаҳуллох айтади: “Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг феъллари инсоний табиат эҳтиёжи ёки шариат кўрсатмаси бўлиши нуқтаи назаридан уч турга бўлинади:



Ислom Нури

1) Тўлалигича табиий эҳтиёждан келиб чиқиб бажарилган феъллар. Бунга туриш, ўтириш, ейиш, ичиш каби амаллар киради. Чунки Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бу ишларни шариат буйруғи билан ёки бунда у кишига эргашилиши учун қилмаганлар. Шунинг учун бир киши “Мен Аллоҳга ибодат қилиш, Унинг пайғамбарига эргашиш мақсадида тураман ва ўтираман. Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ҳам туриб, ўтирар эдилар”, дейиши нотўғри. Чунки пайғамбаримиз буларни шаръий бир амал сифатида эмас, табиий эҳтиёж тўғрисида қилганлар. Баъзилар “Росулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг табиий феъллари шу ишларнинг жоизлигини билдиради”, деса, яна баъзиларга кўра, “Булар мандуб – тарғиб қилинган амаллардир”.

Бу масалада тўғри гап биз юқорида зикр қилганимиздек: ушбу амаллар шариат кўрсатмасини баён этиш учун бажарилмаган. Аксинча, шу ишларни қилиш жоизлигини билдиради.

2) Тўлалигича шаръий амаллар. Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бу амалларни мусулмонлар у кишига эргашилиши ва бу уммат учун шариат кўрсатмаси бўлиб қолиши учун бажарганлар. Бунга намоздаги ҳаракатлар, ҳаж амаллари каби амаллар киради. Шу билан бирга буларнинг шаръийлиги Росулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг **سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ** - “Қандай намоз ўқиётганимни кўрганингиздек намоз ўқинглар” (Бухорий, 6008) ва **سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ** - “Маносикларингизни (ҳаж амалларингизни) мендан ўрганинглар” (Байҳақий, “Сунани кубро”) каби сўзлари билан мустаҳкамланган.

3) Росулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг баъзи амаллари – булар шариат кўрсатмаси сифатида қилинганми, ёхуд табиий эҳтиёж



Ислom Нури

туфайлими, ихтилоф бор.

Бу амаллар аслида инсоннинг табиий истагидан келиб чиқиб қилинган, лекин бир вақтнинг ўзида ибодатларга боғлиқлик жойи ҳам бор. Яъни, булар ибодат асносида, ёки унга восита сифатида содир бўлган. Масалан, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туяга минган ҳолда ҳаж қилганлар, тавофни ҳам шундай ўтаганлар. Бунда ҳаж асносида туяда бўлганлари табиий эҳтиёж маҳсули бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир инсон ўзи муҳтож бўлган ишни қилади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарга чиққанларида доим уловда бўлганлар. Айти пайтда, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туя миниб ҳаж қилишлари шаръий амал бўлиши ҳам мумкин. Чунки айнан ҳаж асносида уловга миндилар ва “Маносикларингизни (ҳаж амалларингизни) мандан ўрганинглар”, деб айтдилар.

Шунга ўхшаш мисоллар: намозда саждадан қиёмга туришда биров дам олиш мақсадида ўтириб кейин туриб кетиш, ҳайит намозидан қайтишда борган йўлидан бошқа йўл билан келиш, бомдоднинг суннати ва фарзи орасида ўнг томон билан ёнбошлаб ётиб дам олиш, Маккага Кадо тепалиги томондан кириб, Кудо тепалиги томондан чиқиш, ҳажда Минодан қайтишда Муҳассабада тушиб дам олиш сингари.

Бу каби амалларнинг шаръий кўрсатма эканлиги ёки табиий эҳтиёж туфайли содир бўлганлиги борасида олимлар ўртасида ихтилоф бор”. “Азвоул-баён”, 4-жилд, 300-бет.

Шариат ҳукмлари Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у кишининг умматларига бирдек тааллуқли. Алоҳида далил топилсагина “Бу амал Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига хос”,



Ислом Нури

Аксинча, агар кимдир муайян бир амални Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзларига хос деб билса ва айна шу амалада у кишига эргашмаса, пайғамбаримиз бундан ғазабланар эдилар.

Бир кун Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча қилган ишлари суннат бўладими? | 6

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳадиси: “Бир одам эшик олдида туриб Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Эй Росулulloҳ, мен тонгда жунуб бўламан, шунда рўза тутишни хоҳлайман (жунуб бўла туриб рўзага ният қилсам, рўзам саҳиҳ бўладими?)” – деди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “Мен ҳам тонгда жунуб бўламан ва рўза тутишни хоҳлайман. Шунда ғул қилиб, рўзамни тутавераман (сен ҳам шундай қил)”, дедилар. У одам: “Эй Росулulloҳ, сиз бизга ўхшамайсизда. Ахир, Аллоҳ сизнинг олдингию кейинги гуноҳларингизни кечирган бўлса! (Сиз каби жунуб бўлган ҳолда тонг оттириб, кейин рўза тутиш бизга тўғри келмаса керак?)” – деди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (шариатдаги ҳукм тушунтирилганига қарамай ўжарлик қилаётган кишининг гапидан) ғазабланиб: “Аллоҳга қасамки, мен орангизда Аллоҳдан энг кўп кўрқувчи ва ўзим эргашаётган нарсани энг яхши билувчи киши эканлигимга умид қиламан (бир ишнинг



Ислом Нури

мумкинлигини айтдимми, демак, шунинг тўғрилигини аниқ биламан)”, деб айтдилар”. Муслим (1110/2482), Абу Довуд (2389). Ҳадис лафзи Имом Абу Довудга тегишли.

Ибн Ҳазм Зоҳирий роҳимаҳуллоҳ айтади: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилган бирон ишни “Бу у кишининг ўзига хос” деб айтиш учун далил керак. Чунки пайғамбаримиз алайҳиссалом (юқоридаги ҳадисда келганидек) бу гапни айтган одамдан ғазабландилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ғазаблантирадиган ҳар қандай нарса эса ҳаромдир”. “Ал-Иҳком фий усулил-аҳком”, 4-жилд, 433-бет.

Ибн Қаййим Жавзийя роҳимаҳуллоҳ айтади: “Шариатдаги асл қоида – унинг ҳукмларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва умматларининг тенглиги. Агар бир амални пайғамбаримизга хословчи далил келсагина бу ҳақда айтиш мумкин. Шунинг учун (Худайбия сулҳидан кейин саҳобалар шу йили умра қилишдан маҳрум бўлганлари сабабли тушкунликка тушиб, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларини ўз вақтида бажармай ўтирганида) Умму Салама розияллоҳу анҳо у кишига: “Ташқарига чиқинг-да, сочингизни қирдириб, қурбонлигингизни сўйгунингизча ҳеч ким билан гаплашманг”, деганди (Бухорий; 2731, 2732). Чунки у киши одамлар Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амалларига сўзсиз эргашишларини яхши билар эди”. “Зодул-маод”, 3-жилд, 307-бет.